



УДК: 633,854:631.52

Ўзбекистонда кунгабоқар селекциясининг тарихи ва ҳозирги ҳолати

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти


Луков М. К, Эргашев Ж. Ш..

**Аннотация:** Кунгабоқарнинг уруғида сақланадиган мой, экологик тоза маҳсулот ҳисобланади. Ер юзида аҳоли истеъмоли учун асосан кунгабоқар мойи ишлатилади. Кунгабоқарнинг бирламчи келиб чиқиш маркази Шимолий Америка, иккиламчи маркази Европа (Испания) ва учламчи марказ Россия ҳисобланади, Россияда кунгабоқар селекцияси ишлари 1912-1913-йилларда бошланган пайтларда унинг уруғидаги мой миқдори ўртача 20-25 % ни ташкил этган. Селекционер олимларнинг машаққатли изланишлари натижасида ҳозирги пайтда экилаётган кунгабоқар навлари уруғининг мойлилиги 56 % гача етказилди.

**Аннотация:**-масло подсолнечника считается экологическим чистым продуктом. Население в мире в основном употребляет подсолнечное масло. Центром первичного происхождения подсолнечника является Северная Америка, вторичного - Испания, третичного - Россия. В России селекционной работой подсолнечника занялись в 1912-1913 гг. В то время количество масла семян составило в среднем 20-25 %. В настоящее время в семенах подсолнечника количество масла доходит до 56 %.

**Annatation:**-sunflower-seed oil considered ecological clean product. The population of the world use mainly sunflower-seed oil. Center of initial origin of sunflower-seed oil is the North of America, the second-Spane, the thirt-Russia. In Russia selective work of sunflower-seed-oil started in 1912-1913. At that time the amount of sunflower-seed-oil composed medium 20-25%. Nowadays, sunflower seed the amount of oil receipts to 56%.

**Калит сўзлар.** Кунгабоқар, мойли, чақиладиган, оралик, келиб чиқиши, бирламчи, иккиламчи, учламчи марказ, селекционер, дурагайлаш, гетерозис, навлар, дурагайнинг биринчи авлоди, ҳосилдорлик, уруғ, табиий тоза, мой





**Кириш.** Ер юзида аҳоли истеъмоли учун ўсимлик мойи ишлаб-чиқариш мақсадида кунгабоқар, махсар, соя, мойли зиғир, кунжут, зайтун, мойли палма ва бошқа мойли экинлар ўстирилади. Ёрматова Д, Хушвақтова Х.С. (2011) Бу экинлардан кунгабоқар, ер юзида экилиш майдони ҳамда маҳсулотидан фойдаланиш бўйича соядан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Кунгабоқарнинг мутлоқ куруқ уруғида 56 % гача сақланадиган мойи экологик тоза маҳсулот ҳисобланади. Бу мойни истеъмолда ишлатиш учун доғламаса ҳам бўлади. Кунгабоқардек фойдали дала экинини топиш қийин. Кунгабоқар асосий (эртаги) экин сифатида ўстирилса гектаридан 3,0-3,5 тонна уруғ ҳосил ёки ундан 1,4-1,5 тонна мой, агар бошоқли дон экинларидан бўшаган ер (анғиз)да такрорий экин сифатида ўстирилса 1 гектар майдондан 2,5 тонна уруғ ҳосил ёки ундан 1,2-1,3 т. истеъмол учун ишлатиладиган мой, 800 кг. шрот (300 кг оқсил), 500 кг кунгабоқар пистаси пўчоғи (ундан 70 кг ачитқи моддаси) 1500 кг саватча, гуллаш фазасида асаларилар ёрдамида 30 кг. асал ва бошқа кўп фойдали моддалар олинади. Луков М.Қ (2008)

умумқабул қилинган усубларидан фойдаланилди.

**Кунгабоқарнинг келиб чиқиш тарихи.** Кунгабоқар ўсимлиги аксарият турларининг келиб чиқиш марказий шимолий Америка ҳисобланиб, айрим турлари (қисман) Жанубий Америкада тарқалган.. XVI асрнинг бошларида Европада кунгабоқар экилмас эди. Испанияга унинг уруғлари янги Мексикадан Испан экспедицияси орқали олиб келтирилган. Бу ўсимликнинг уруғлари илк бор **1510-йилда Мадрид ботаника боғида экилади.** Кунгабоқар ўсимлигининг ватани Америкада жуда кўп ёввойи турлари ва хиллари учраб, улардан айримларининг уруғини маҳаллий аҳоли (индеецлар) истеъмол қилишган.

Ғарбий Европада кунгабоқар дастлаб манзарали ўсимлик сифатида экилган. Ўзининг “қуёш гули” (светок солнца) номини у Лотелдан 1576-йилда олган. Шу ном ҳозиргача бироз ўзгарган ҳолда етиб келган.

Россияга кунгабоқар Пётр-1 даврида Голландиядан XVI асрда олиб келтирилган. Бу ерда ҳам кунгабоқар 100 йилдан кўп вақт манзарали ва томорқа экини сифатида фойдаланилган.

Кунгабоқар уруғидан мой олиш мумкинлиги тўғрисида биринчи бўлиб Россия Фанлар Академиясида чоп этиладиган “Академические известия” журналида чоп этилган (1779 й) “О приготвлении масло из семян





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-8

подсолнечника” мақоласида айтиб ўтилган. Лекин, мойли экин сифатида бундан кечроқ, яъни 35 йилдан кейин фойдаланилган.

Кунгабоқар экини селекцияси Россияда 1912-1913-йилларда бошланган. Уша пайтларда кунгабоқар уруғидаги мой миқдори ўртача 20-25 % ни ташкил этган. Ундан кейин селеционерлар томонидан кўп йиллар давомида чексиз танлашлар ўтказилиши натижасида, кунгабоқарнинг кенг тарқалган (Зеленка, Фуксинка, Масленок, Пузанок ва бошқалар) мойли ва чақиладиган маҳаллий навлари яратилган.

Машхур селеционер, академик В.С.Пустовойт Краснодардаги Россия мойли экинлар илмий тадқиқот институти, илгари “Круглик” номли селецион тажриба – станциясида 1912-йилда кунгабоқар селекциясига оид ишларини бошлаган ва бутун ўмрини шу экин селекциясига бағишлаб, жуда катта муваффақиятларга эришган. Бу олим кунгабоқар уруғининг мойлилигини 20 % дан 55 % гача етказган.

1977-йилда кунгабоқарнинг Первенец номли яхши, сифатли, янги нави яратилиб раёнлаштирилган. Бу нав уруғи мойининг таркибида 75 % гача олеин кислотаси сақлайди. Первенец навининг уруғидаги мойи биокимёвий ва озуқа сифатлари жиҳатидан зайтун мойига жуда яқин. Селекция натижасида кунгабоқарнинг 54 % мойлилиги бўлган “Восток” нави ўта эртапишар-“Подарок” ва шумғияга чидамли “Старт” навлари асосида яратилган.

Ўсимликларнинг Бутун Россия илмий тадқиқот институтидаги жаҳон коллекциясида бу экиннинг 1,5 мингга яқин қимматли намуналари (генофонди) мавжуд.

Ўзбекистонда кунгабоқарнинг селекция ишлари асосан, 2000 йиллардан кейин бошланди. Россия давлатининг селекциясига оид 2000 йилгача мойли кунгабоқарнинг “Чкаловский гигант” ва “ВНИИМК-8931” навлари экишга тавсия этилган эди. Ёрматова Д., Хушвақтова Х. С. (2009) Ҳозирги пайтда Республикамиз хўжаликлари шароитларида экиш учун кунгабоқарнинг 10 та дан зиёд навлари ва дурагайлари Давлат реестрига киритилган, шу жумладан, М. Аманова ва Ҳ. Рустамовлар муаалифлигида яратилган “Жаҳонгир”нави, И. Анорбоев ва бошқалар муалифлигида яратилган “Дилбар” нави, Т.Э Остонакулов, ва М.К. Луков томонидан яратилган СамҚХИ 20-80 навлари фотосинтетик қобилияти юқори интенсив навлар ҳисобланади. Бу навлар





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-8

Республикамизнинг суғориладиган ерларида асосий ва такрорий экинлар сифатида экилмоқда. Шу жумладан Самарқанд кишлок хўжалик институтининг селекциясига оид СамҚХИ 20-80ва ИЛМ навининг потенциал ҳосилдорлиги 36--380 центнерга тенг бўлиши билан бир қаторда, унинг мой таркибида 55-60 % линол ва 30-35 % олеин мой кислоталари сақланади. Бу навнинг уруғидан мой олиш пайтида -36 % шрот ёки кунжара ажратиб олинди. Шротида 33-37 % протеин, 1,4 % -мой (кунжарасида 5-7 % мой), 20 % гача углеводлар, 14-15 %-пектин, 3,2-3,6 %-фитин, Бундан ташқари, В витаминлари гуруҳи, фосфор, кальций ва бошқа қимматли моддалар мавжуд бўлганлиги туфайли бу навни ишлаб чиқаришда катта майдонларда ўстириш мақсадга мувофиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Пустовойт В.С Подсолнечник М. Колос. 1967 с 27-44.
2. Тихонов О.И. Бочкарев Н.И Дьяков А.Б Биология, селекция и возделывание подсолнечника М. Агропромиздат 1991
3. Ёрматова Д. Хушвақтова Х.С. Тошкент 2009
4. Либенко Н.А. «Семеноводство гибридов подсолнечника»-//Сборник докладов международной научно-практической конференции- «Современный проблемы научного обеспечения производства подсолнечника» Краснодар. 2006. 34-38.с.
5. Луков М.Қ – “Два урожая семян подсолнечника в году”. Кишоварз, журнал “Земледелец” 1(41) Тожикистон аграр университети. Душанбе 2008 й.

